УДК:338.242:339.15

ФОЙДА СОЛИҒИ ВА УНИ УНДИРИШ МЕХАНИЗМИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

Турдиқулова Гулмира Обидқул қизи
ТДИУ таянч докторанти
https://doi.org/10.5281/zenodo.17912047

Аннотация. *Мақолада республикамизда юридик шахслардан олинадиган фойда солиғининг тартиби, тамойиллари ва ундириш механизмининг хусусиятлари таҳлил этилган ҳамда керакли илмий-амалий характердаги хулосалар берилган.*

Калит сўзлар: *солиқ, ставка, тартиб, солиқ сиёсати, ундириш механизми, тизим, база, имтиёз, молия.*

Аннотация. *В статье анализируются порядок, принципы и особенности механизма взимания налога на прибыль юридических лиц в нашей республике, сделаны необходимые научно-практические выводы.*

Ключевые слова: *налог, ставка, процедура, налоговая политика, механизм взимания, система, база, льгота, финансы.*

Abstract. *This article analyzes the procedure, principles, and specifics of the corporate income tax collection mechanism in our republic, providing the necessary scientific and practical conclusions.*

Keywords: *tax, rate, procedure, tax policy, collection mechanism, system, base, benefit, finances.*

КИРИШ

Юридик шахслар тўлайдиган солиқларнинг моҳияти умумий солиқларнинг моҳиятидан келиб чиқади ва улар солиқ тизимининг асосий қисмини ташкил этади. Юридик шахслар тўлайдиган солиқлар солиқ-бюджет сиёсатининг муҳим таркибий қисми сифатида, улар фойдасининг муайян қисмини давлат марказлашган фондини шакллантириш учун давлат бюджетига ундириш жараёнида юзага келадиган молиявий муносабатларда намоён бўлади. Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи давлат бюджети даромадларини шакллантириш билан бир вақтда, ижтимоий барқарорликни таъминлаш, барча корхоналар манфаатларини ҳимоялаш, иқтисодиётни ривожланишига хизмат қилади. Бугунги кунда давлат бюджетини тўлдиришга хизмат қиладиган солиқларнинг катта қисмини фойда солиғи ташкил этади.

Таҳлил ва натижалар.

Фойда солиғи молиявий-иқтисодий категория сифатида ижтимоий-иқтисодий тараққиётни таъминлашда, шу жумладан иқтисодий ўсишни таъминлаш омили сифатида фойдаланилиб келинмоқда. У мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш истиқболларини аниқ белгилаш ва унга қаратилган вазифалар доирасида ишлаб чиқиладиган стратегиялар ва Ўзбекистон-2030 стратегияни амалга ошириш самарадорлигини таъминлаш-да ўз истиқболини топиб келмоқда. Шу боис, фойда солиғи бошқа солиқ турлари каби хўжалик субъектлари доирасида бўладиган молиявий муносабатларда муҳим

аҳамият касб этмоқда. Бу эса, бир томондан, давлат манфаатларини, иккинчи томондан, барча корхоналар манфаатларини ҳимоялайдиган, шунингдек, иқтисодиётнинг ривожланиши учун хизмат қилишда ҳам қўл келмоқда. “Фойда солиғи” тушунчасига қуйидагича таъриф бериб ўтишимиз мумкин: “Фойда солиғи деганда корхона, ташкилот ва бирлашмаларда яратилган қўшимча қийматнинг бир қисми сифатида фойдани қонун доирасида белгиланган чегараларда мажбурий тўлов сифатида уни давлат бюджети ихтиёрига ўтказилиши билан боғлиқ пул муносабатлари тушунилади»[1]. Барча даврларда солиқлар давлат молиясининг муҳим манбаларидан ҳисобланган, бинобарин, бугунги кунда фойда солиғи давлат бюджети даромадларида асосий ўрин тутади ва хўжалик юритувчи субектларнинг молиявий натижалари асосида ундирилади. Фойда солиғининг моҳиятини ўрганиш, хусусиятларини белгилаш ва вазифаларини илмий жиҳатдан асослаш нафақат иқтисодий барқарорликни таъминлаш, балки фискал сиёсат самарадорлигини ошириш учун ҳам муҳимдир [2]. Ўзбекистон Республикасида фойда солиғи Солиқ кодекси билан тартибга солинади. Мазкур кодексда фойда солиғининг обектлари, солиқ базаси, ставкалари, ҳисоблаш тартиби ва имтиёзлари батафсил белгиланган.

Фойда солиғини моҳиятан икки категорияга, яъни, иқтисодий ва ҳуқуқий категория сифатида кўриб ўтишимиз мумкин. Иқтисодий категория сифатида фойда солиғи бу корхона ўзи томонидан яратилган соф қўшимча қийматнинг давлат фойдасига қайта тақсимлашни ифодалайди. Бу тақсимот натижасида ишлаб чиқариш жараёнида яратилган миллий даромаднинг бир қисми бюджет ресурсларига айланади[3]. Ҳуқуқий категория сифатида эса фойда солиғи бу давлат томонидан белгиланган, мажбурий, пуллик, қайтарилмас тўловдир. У солиқлар умумий белгилари (мажбурийлик, эквивалентликнинг йўқлиги, давлат ҳокимияти томонидан ўрнатилиши) ни тўлиқ мужассам этади [4].

Солиқларнинг самарали амал қилиши улар объектив фаолият тамойиллари билан уйғунлашган тақдирдагина мумкин бўлади. Бу тамойиллар жамият ривожланишининг ижтимоий-иқтисодий ҳамда сиёсий шароитларини эътиборга олган ҳолда солиқ тизимини шакллантиришда асосий меъёр сифатида қаралади. Шунингдек, фойда солиғи давлат ва хўжалик юритувчи субектлар ўртасидаги молиявий муносабатларнинг алоҳида шаклидир. У давлат молия тизимининг фискал барқарорлигини таъминлаб-гина қолмай, иқтисодиётнинг реал секторига ҳам бевосита таъсир кўрсатади. **Замонавий иқтисодчилар** фикрича, фойда солиғи иқтисодий самарадорликни пасайтирмайдиган тарзда ундирилиши керак, яъни “камроқ ставка – кенгроқ база” тамойилини илгари суриши лозим [5].

Фойда солиғини ундириш механизми — бу давлатнинг корхона ва ташкилотлар томонидан олинган соф фойдадан белгиланган тартибда ва муддатда бюджет даромадларини шакллантиришга қаратилган иқтисодий-ҳуқуқий ва ташкилий чора-тадбирлар мажмуасидир. Ушбу механизм солиқ сиёсатининг ажралмас қисми бўлиб, давлатнинг фискал барқарорлигини таъминлаш билан бирга, давлатнинг иқтисодий сиёсатини амалга оширишда, инвестицияларни рағбатлантириш ва тадбиркорлик муҳитини оптималлаштиришда муҳим рол ўйнайди ва давлат ихтиёрига ўтказилган пул орқали давлат бюджетига тушумларни таъминлайди. Бу тушунча молиявий натижанинг объектив кўринишида солиққа тортиш объекти сифатида аниқланиши, солиқ ставкаси, имтиёзлар, ҳисоблаш тартиби ва тўлов муддатларининг норматив-ҳуқуқий асосларда белгиланишини назарда тутади.

Шунингдек, механизмнинг моҳиятини иқтисодий ва ҳуқуқий ёндашувлар интеграцияси ташкил этади. Иқтисодий жиҳатдан у фойда солиғининг инвестицияларга, истеъмолга ва корхона рентабеллигига таъсирини ифодаласа, ҳуқуқий жиҳатдан эса солиқ мажбуриятларининг аниқ норматив асосда бажарилишини кафолатлайди. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига мувофиқ, фойда солиғи (юридик шахслар фойда солиғи) — юридик шахснинг олинган соф фойдасига белгиланган ставкалар асосида ҳисобланадиган тўғридан-тўғри солиқ туридир. Фойда бу ерда корхоналар молиявий фаолият натижасида шаклланган даромадлар ва харажатлар ўртасидаги ижобий фарқ сифатида аниқланади[4]. Уни тўлиқроқ қилиб қуйидаги схемада кўришимиз мумкин (1.1-расм):

1. Даромад ва харажатларни ҳисоблаш
(Соф фойда аниқланади)

↓

2. Чегирмаларни ҳисобга олиш
(Солиқ базаси шаклланади)

↓

3. Ставкани қўллаш (15%)
(Солиқ суммаси ҳисобланади)

↓

4. Декларация топшириш
(Солиқ органига топширилади)

↓

5. Тўловни амалга ошириш
(Бюджетга тушум)

↓

6. Назорат ва жавобгарлик
(Пеня/жарималар)

1.1-расм. Фойда солиғини ундириш механизми[1].

Фойда солиғи замонавий солиққа тортиш тизимида энг муҳим солиқ турларидан бири сифатида алоҳида ўрин эгаллайди. У давлатнинг фискал сиёсатини амалга оширишда асосий даромад манбаларидан бири бўлиб, нафақат республика бюджети, балки маҳаллий бюджетларнинг ҳам молиявий барқарорлигини таъминлашда ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Шунингдек, фойда солиғи иқтисодий механизмларнинг муҳим таркибий қисми сифатида хўжалик юритувчи субектларнинг фаолиятини тартибга солиш ва уларни самарали ишлашга ундашда ҳам муҳим восита бўлиб хизмат қилади.

Солиқ самарадорлигининг мезони, аввало, унинг белгиланган вазифалар-ни қай даражада адо этиши билан белгиланади. Бунда солиқларнинг бюджет тушумларини кўпайтириш имконияти, шунингдек, иқтисодий жараёнларга, жумладан аҳоли турмуш фаровонлигига кўрсатадиган таъсири асосий баҳолаш мезони сифатида олинади. Фойда солиғи ўз моҳиятига кўра, корхоналар томонидан яратилган соф даромаднинг маълум қисмини давлат ихтиёрига ўтказишни назарда тутади. Шу орқали жамият миқёсида қўшимча маҳсулот ва молиявий ресурсларнинг қайта тақсимланиши амалга ошади. Бу жараён

[1] Tadqiqot natijalari bo’yicha muallif tomonidan tayyorlangan

иқтисодиётда ресурслардан самарали фойдаланиш, ишлаб чиқариш барқарорлигини таъминлаш ҳамда ижтимоий соҳаларни молиялаштириш имконини кенгайтиради.

Фойда солиғининг иқтисодий-ҳуқуқий моҳияти унинг бажарадиган функцияларида яққол намоён бўлади. Булардан асосан икки функция алоҳида ажралиб туради:

1. Фискал (молиявий) функция. Фойда солиғи давлат бюджети учун энг муҳим даромад манбаларидан биридир. Корхоналар фаолияти натижасида ҳосил бўладиган соф фойданинг маълум қисми давлат ихтиёрига ўтказилади ва у ижтимоий эҳтиёжларни молиялаштиришга йўналтирилади. Шу тариқа фойда солиғи давлат молия тизимининг барқарорлигини таъминлайди, бюджет харажатларини қоплашда молиявий асос бўлиб хизмат қилади. Масалан, Ўзбекистонда 2024 йилда юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи давлат бюджети даромадларининг салмоқли қисмини, яъни 19,2% (52,6 трлн сўм) ни ташкил этди.

2. Иқтисодиётни тартибга солувчи функция. Фойда солиғи фақат фискал мақсадни кўзламайди, балки иқтисодий жараёнларга фаол таъсир кўрсатади. Солиқ ставкалари, имтиёзлар ва чегирмалар орқали давлат айрим тармоқларни ривожлантиришни рағбатлантириши ёки, аксинча, иқтисодий фаолиятни чеклаши мумкин. Масалан, электрон тижорат субектлари учун 10 фоизлик имтиёзли ставка белгиланиши ушбу соҳанинг тез суръатлар билан ривожланишига хизмат қилмоқда. Демак, фойда солиғи механизми инвести-циялар оқимини тартибга солувчи, инновацияларни рағбатлантирувчи ва иқтисодий мувозанатни таъминловчи кучли воситадир. Ҳар қандай солиқнинг вазифалари унинг иқтисодий моҳияти ва давлат молия тизимидаги ўрни билан белгиланади. Фойда солиғи ундириш механизми ҳам фақат фискал даромад манбаи бўлиб қолмай, балки иқтисодиётдаги мувозанатни сақлаш, инвестицияларни рағбатлантириш ва ижтимоий барқарорликни таъминлашга хизмат қилади [2]. Шу жиҳатдан у кўп қиррали вазифаларни бажаради.

Фойда солиғининг аҳамияти бозор иқтисодиётида давлатнинг иқтисодий жараёнларни тартибга солиш ва бошқариш функциялари билан бевосита боғлиқдир. Ушбу шароитда давлат ўз фаолиятини тўлақонли амалга ошириши учун молиявий ресурслар билан таъминланган бўлиши муҳим талаб ҳисобланади.

Фойда солиғи нафақат давлат бюджетининг асосий даромад манбаларидан бири, балки иқтисодиётда инвестицион фаолликни рағбатлантирувчи муҳим молиявий восита ҳисобланади. Солиқ ставкалари ва имтиёзлар тизими тўғридан-тўғри корхоналарнинг капитал қўйилмаларга, технологик янгиланишга, ишлаб чиқариш ҳажмини кенгайтиришга бўлган қизиқишини оширади ёки камайтиради. Давлат **солиқ ставкани пасайтириш орқали** фойданинг катта қисмини корхона ихтиёрида қолдиради ва уни ишлаб чиқаришни модернизация қилишга ёки янги лойиҳаларга йўналтириш имконини беради. Янги технологиялар, экспортга йўналтирилган ишлаб чиқариш, стратегик тармоқларга капитал киритган корхоналарни солиқдан озод этиш ёки камайтирилган ставкаларни қўллаш корхоналарни инвестиция-лар кўпайтиришга бўлган қизиқишини оширади. Фойда солиғининг инвестицияларни рағбатлантириш функцияси корхоналар капитал қўйилмаларини кўпайтиришга, инновацион фаолиятни кенгайтиришга ва миллий иқтисодиётнинг барқарор ривожланишига йўналтирилган муҳим молиявий-ҳуқуқий дастак ҳисобланади.

Солиқларнинг рағбатлантирувчи функцияси амалиётда энг мураккаб амалга ошириладиган вазифалардан биридир. Бунинг сабаби шундаки, у хўжалик юритувчи

субектларнинг иқтисодий манфаатлари билан бевосита боғлиқдир. Мазкур функция солиқ механизмининг ўзига хос шакл ва элементлари орқали, хусусан, турли солиқ имтиёзлари, истиснолар ва преференциялар тизими орқали намоён бўлади. Бундай ёндашув натижасида солиққа тортиш объекти ўзгаради, солиқ базаси қисқаради, солиқ ставкалари пасайтирилади ва шу каби чоралар кўрилади. Натижада, аввало саноатнинг турли тармоқларида фаолият юритувчи корхоналар иқтисодий фаоллигини рағбатлантиришга имкон туғилади.

Фойда солиғи – давлат молиявий сиёсатида ижтимоий адолатни таъминлаш воситаларидан биридир. Чунки корхоналар оладиган соф фойданинг бир қисми давлат бюджетига ўтказилади ва кейинчалик жамиятнинг барча қатламлари учун муҳим бўлган ижтимоий эҳтиёжларни молиялаштиришга йўналтирилади. Шу орқали даромадларнинг қайта тақсимланиши амалга ошади ва иқтисодий тенгсизлик юмшатилади. Йирик фойда кўрадиган корхоналардан олинадиган солиқ маблағлари таълим, соғлиқни сақлаш, инфратузилма каби умумий ижтимоий соҳаларга йўналтирилади. Бу эса аҳолининг турмуш даражасини мувозанатлаштиришга хизмат қилади. Марказий бюджет орқали солиқлардан тушган маблағлар иқтисодий жиҳатдан суст ривожланган ҳудудларга қайта тақсимланади. Айрим стратегик тармоқлар ёки ижтимоий аҳамиятга эга лойиҳаларга солиқ имтиёзлари берилиши орқали уларнинг барқарор ривожланиши қўллаб-қувватланади. Фойда солиғидан тушган даромад нафақалар, субсидиялар, ишсизликни камайтириш дастурлари орқали ижтимоий тенгликни мустаҳкамлайди. Фойда солиғининг ижтимоий тенгликни таъминлаш функцияси бу нафақат молиявий механизм, балки жамиятда ижтимоий адолатни қарор топтириш, фуқаролар ўртасидаги имкониятлар тенглигини кенгайтириш ва умумий фаровонликни таъминлашга қаратилган тизимли воситадир.

Хулоса

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш лозимки, корхона фойдаси иқтисодий категория сифатида корхоналарни нафақат иқтисодий ўсишини таъминлашга, балки шу билан бирга бюджет даромадларини фойда солиғи билан таъминлашда муҳим манба бўлиб хизмат қилади. Шу боис фойдани аниқлаш ва тартибга солиш орқали уни солиққа тортиш чегарасини аниқлаш муҳим аҳамиятга эга. Шунингдек, фойда солиғини ижтимоий-иқтисодий тараққиётдаги ўрни ва аҳамияти хам бениҳоя каттадир. Фойда солиқ объекти сифатида унинг имтиёзлар орқали тартибга келтирилиши, солиқ тўлови-нинг ўзига боғлиқ қилиб қуйилганлиги, корхоналарни маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини ўтган йилга нисбатан оширишга ва сифатли маҳсулот (товар) ишлаб чиқаришга ундайди.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. 1.Зайналов Ж.Р., Алиева С.С., Ахроров З.О. ва бошқ. Солиқлар ва солиққа тортиш. Дарслик. – Т.: Иқтисод молия, 2021. – 63 б.
2. 2.Musgrave, R. A., & Musgrave, P. B. (1989). *Public Finance in Theory and Practice* (5th edition). New York: McGraw–Hill. **356–380b.**
3. 3.James, S., & Nobes, C. (2018). *The Economics of Taxation* (14th ed.). Birmingham: Fiscal Publications
4. 4.Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси. 2022 йил.
5. Slemrod, J., & Bakija, J. (2017). *Taxing Ourselves: A Citizen's Guide to the Debate over Taxes.* MIT Press